

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 809.437.5 - 801.3.4
804.0 - 801.3.4

НИШОНОВ ПАТХИДДИН ПАЙЗИБОЕВИЧ

**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ЮРИДИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.02.20 – Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира
тилшунослик, лингвистик таржимашунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили грамматикаси ва тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди, доцент
Эрматов Баҳодир Содиқович

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, профессор
Маматов Абди Эшонқулович

филология фанлари номзоди

Сувонова Нигорабону Низомиддиновна

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Ҳимоя Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги
К 067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил ____
соат ____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а
мавзеси, 21-а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
илмий кутубхонасида (Тошкент, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а
мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил ____ ойининг ____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди, доцент

Д. М. Тешабоева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, тил жамиятнинг қай даражада тараққий этганини кўрсатиб берувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади. Халқнинг миллат даражасига кўтарилишида, шу халқни ташкил этувчи кишиларнинг орзу-мақсадлар йўлида жипслашишида, шубҳасиз, тилнинг роли бекиёсдир. Мамлакатимизда ҳам миллий мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракатларнинг дебочасида айнан тил масаласи турганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, фақат мустақиллик туфайлигина ўзбек тили давлат миқёсидаги тилга, бошқа давлатлар билан музокараларда қўлланиладиган, қонунлар яратиладиган, илмий тадқиқотлар ёзиладиган тилга айланди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек: «Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир»¹.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ўзи оид бўлган халқнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва бойиб боради. Шундай экан, жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгариш, аввало, тилда ўз аксини топади. Тилда юз берадиган ўзгаришларни тартибга солиш, умуман, тилнинг тараққиётини тўғри йўлда бўлишини таъминлаш тилшунослик фани олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз ўз ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда асосан ривожланган демократик давлатлар тажрибасига, қолаверса, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз томонидан тўпланган бой меросга таяниб иш кўрмоқда. Бошқа давлатларнинг ҳуқуқ тизимини ўрганиш, уларнинг бой тажрибасини ижодий равишда ўзлаштириш тилшунослик фани олдида ўзбек ва чет тиллар юридик терминларини қиёсий аспектда ўрганишдек ўта муҳим бўлган масалани кўяди. Бундан ташқари, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан турли соҳаларда алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантиришга қаратилган шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришмоқда. Бундай муносабатлар аввало ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади. Уларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишига эришиш кўп жиҳатдан чет тиллар юридик терминологиясининг лисоний хусусиятларини ўзбек тили билан қиёслаш асносида ўрганишга боғлиқ. Соҳавий лексиканинг ажралмас қисми бўлган юридик терминларни француз ва ўзбек тилларида систем-структур тилшунослик нуқтаи-назаридан туриб қиёсий ўрганиш ушбу диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли тиллар юридик терминологиясининг бир қатор масалалари тилшунос олимлар томонидан

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 55.

маълум даражада ўрганилган. Жумладан, В.Т. Балтачев¹ ўзининг номзодлик ишида қадимги замон инглиз тилида судловга оид номларни ифодалаган терминларнинг структурасини ўрганган бўлса, Г.А. Сергеевнинг тадқиқотида украин тили юридик терминологиясида амал қилувчи инглизча ўзлашмалар таҳлил этилади². Т.М. Балыхина рус тилидаги юридик бирикма терминларнинг шаклланишига эътибор қаратган³. Л.В. Климянко ўз номзодлик диссертациясида француз тилида суднинг ҳукм ва қарорларини семантик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилган⁴. Ўзбек тили юридик терминологияси масалалари М.Х. Қосимова⁵, Ш.Н. Кўчимов⁶ ва Г.Ё. Ғуломоваларнинг⁷ илмий ишларида ўз аксини топган. Лекин шу кунга қадар ўзбек тили юридик терминологияси бошқа тиллар билан қиёсий аспектда монографик йўналишда тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили грамматикаси ва тарихи кафедрасининг илмий-тадқиқот режасига киритилган «Қиёсий терминологиянинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги истиқболли режаси асосида амалга оширилди. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб тасдиқланган (2002 йил 30 август 1-сонли баённома).

Тадқиқот мақсади. Диссертацияда кўзда тутилган мақсад француз ва ўзбек тилларида юридик терминологиянинг шаклланиши ҳамда унинг шакл ва маъно хусусиятларини қиёсий-типологик тадқиқ қилишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда назарда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали эришилади:

- француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг ясалиш йўллари таҳлил қилиш ва икки тилга хос интеграл ва дифференциал хусусиятларни аниқлаш;
- қиёсланаётган тилларда юридик терминларни лингвистик хусусиятларига кўра таснифлаш;
- француз ва ўзбек тилларида ўзлашма юридик терминларнинг интеграциялашув жараёнини ўрганиш;

¹Балтачев В.Т. Номинация и структура терминов-именований судов в древнеанглийском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1991. – 14 с.

²Сергеева Г.А. Англоязычные заимствования в украинской юридической терминологии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Харьков, 2002. – 16 с.

³Балыхина Т.М. Терминологические словосочетания в языке юридической литературы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1983. – 17 с.

⁴Климянко Л.В. Юридические сентенции во французском языке: Семантико-стилистический и прагматический аспекты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 2001. – 20 с.

⁵Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 22 с.

⁶Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 1995. – 125 б.

⁷Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври таракқиёти: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2005. – 127 б.

- француз ва ўзбек тиллари юридик терминларининг шакл ва маъно хусусиятларини таҳлил қилиш ва икки тилга хос интеграл ва дифференциал хусусиятларни аниқлаш;

- қиёсланаётган тиллардаги юридик терминларнинг лингвостатистик таҳлилини бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Француз ва ўзбек тилларида лексема ва бирикма шаклидаги юридик терминлар тадқиқот объектини ташкил этади. Тадқиқотнинг предмети эса француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминларнинг ясалиши, шунингдек, уларнинг шакл ва маъно хусусиятларини типологик жиҳатдан қиёсий ўрганишни ўз ичига олади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ишда қиёслаш-солиштириш, типологик таҳлил, статистик, компонент таҳлил методларидан фойдаланилди. Тадқиқотда икки тил юридик терминологиясининг синхрон ҳолати ўрганилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Юридик терминология жамият ҳаётининг турли соҳалари билан изчил алоқада бўлганлиги боис, унинг шаклланиши ва тараққиётида экстралингвистик омилларнинг роли бениҳоя каттадир.

2. Турли тизимдаги тилларга оид терминологияларни қиёсий таҳлил қилиш системали ва изчил характерга эга бўлмоғи керак. Бундай характердаги таҳлил икки тил терминологиясининг лексик, семантик, грамматик сатҳлардаги ўзаро муносабатларини аниқлаш имкониятини яратади.

3. Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг ясалиши муайян қонуниятлар асосида рўй беради. Термин ясалишининг моделларида ҳар икки тилга хос умумий хусусиятлар кузатилса-да, улар ўртасида фарқли томонлар мавжуд.

4. Бирикма терминлар миқдор жиҳатдан француз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам юридик терминологиянинг асосини ташкил этади. Бирикма терминлар моделлари ичида икки компонентли терминлар энг кўп тарқалгандир.

5. Қиёсланаётган тиллар юридик терминологиясига сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларини билдирувчи полисемия, омонимия, синонимия ва антонимия ҳодисаларининг барчаси хосдир. Гарчи терминологияда учрайдиган кўп маънолилик, омонимлик ва синонимлик муносабатлари кўпчилик томонидан маъқулланмаса-да, икки тил юридик терминологиясидаги юқоридаги тил ҳодисалари ўзларини маълум даражада оқлайди. Зеро, уларнинг барчаси юридик тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

1. Тадқиқотда илк бор француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминлар мустақил терминологик система сифатида қиёсий аспектда ўрганилди.

2. Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг ясалишидаги интеграл ва дифференциал хусусиятлар аниқланди.

3. Қиёсланаётган тиллар юридик терминологиясида мавжуд бўлган ўзлашма қатламнинг манбалари ўрганилди ва уларнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқланди.

4. Юридик терминлар ясалиш усуллари, шакл ва маъно хусусиятларига кўра таснифланди.

5. Қиёсланаётган тилларда юридик терминларнинг ясалиш ва маъно хусусиятларини акс эттирувчи статистик таҳлил амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари терминологик системанинг умумдабий тилда тутган ўрнини кўрсатиб беради ва қиёсий терминология соҳасининг тадқиқот тамойилларини янада бойитади. Юридик терминларнинг биз аниқлаган хусусиятлари ўрганилмаган ёки етарлича ўрганилмаган терминологик системаларни тадқиқ қилишда асос бўла олади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг материалларидан конун чиқарувчи мутахассислар, ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғулланувчилар, шунингдек, таржимонлар қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Тадқиқот натижаларидан термин назариясига ҳамда қиёсий терминологияга оид махсус курсларда, шунингдек, «Лексикология», «Таржима назарияси» каби фанларни, «Ёзма таржима», «Оғзаки таржима» курсларини ўқитиш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин. Ушбу ишда таҳлил қилинган юридик терминлар келгусида тузиладиган французча – ўзбекча, ўзбекча – французча юридик терминлар луғати учун бой материал манбаи бўлиб хизмат қила олади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик ва француз филологияси факультетлари талабаларига «Қиёсий типология», «Таржима назарияси» каби фанларни ўқитишда ушбу илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий тадқиқотда эришилган натижалар, хулосалар ва айрим тавсиялар Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчиларининг назарий ва илмий-услубий анжуманларида (2002, 2005, 2006), «Ўзбекистон Республикаси нофилологик олий ўқув юртларида тил ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-услубий анжуманда (Тошкент, 2007), ЎзДЖТУда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда (Тошкент, 2006, 2008) маърузалар асосида баён қилинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили грамматикаси ва тарихи кафедрасида бажарилган ва ушбу кафедранинг кенгайтирилган йиғилишида (2008 йил 17 октябрь 5-сонли баённома) муҳокама қилиниб ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар йиғилишида (2009 йил 12 май 1-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича Республикадаги илмий журналларда (3), халқаро миқёсда (1) ва илмий тўпламларда (6) – жами 10 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти ва бошқа масалалар ёритилган.

Диссертациянинг I боби **«Терминологияни ўрганишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланиб, унда термин, терминологияни ўрганишнинг назарий масалалари баён қилинган. Мазкур боб учта бўлимни ўз ичига олади. *«Юридик терминология лингвистик тадқиқот объекти сифатида»* деб номланган 1.1. бўлимда турли тиллар юридик терминларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган ва бу ишларга муносабат билдирилган.

Қиёсий терминология тилшунослик фанида нисбатан янги йўналиш бўлиб, ўтган асрнинг 80-йилларидан шакллана бошлаган. “Қиёсий терминология” термини илк бор Ф.А. Циткина ва В.М. Лейчик тадқиқотларида қўлланилган. Ф.А. Циткина қиёсий терминологиянинг объекти сифатида турли тилларга оид терминологик жуфтликлар ва умуман, терминологик системаларни кўрсатади. Унинг предмети эса манба тил ва таржима қилинаётган тил терминлари ўртасидаги лексик, семантик ва грамматик сатҳлардаги ўхшаш ва фарқли томонлар қонуниятлари ва терминлар таржимаси тамойилларидир¹.

В.М. Лейчик эса қиёсий терминологиянинг ўрганиш объектига икки ёки ундан ортиқ тилларга оид терминларни қиёслаб ўрганишдан ташқари бир тил ичидаги ўзаро яқин бўлган терминологик системаларни қиёсий ўрганишни ҳамда терминологик системалараро сўз ўзлаштиришни ҳам киритади. Унинг фикрича, терминларни қиёсий таҳлил қилиш методлари тилнинг фонема-график, сўз яшаш, лексик, сўз бирикмаси ясалиши, семантик каби сатҳларида қўлланилиши мумкин².

«Термин, терминология масаласига доир баъзи мулоҳазалар» деб номланувчи 1.2. бўлим терминологиянинг бир қанча назарий масалалари, хусусан, термин, терминология, номенклатура тушунчалари, уларнинг биридан фарқланиши, сўз билан термин ўртасидаги муносабат, терминологиянинг система эканлиги, термин таърифи каби масалаларга бағишланган.

Термин сўзи латинча *terminus* дан олинган бўлиб, унинг биринчи луғавий маъноси «чек, чегара»дир. Унинг иккинчи маъноси муайян фан, техника,

¹ Циткина Ф.А. Сопоставительное терминоведение: Теоритические вопросы и приложения // Вопросы языкознания. – М., 1987. - № 4. – С. 114.

² Лейчик В.М. Основные положения сопоставительного терминоведения // Отраслевая терминология и ее структурно-типологическое описание. – Воронеж, 1988. – С. 5-8.

санъат ва бошқа соҳаларга тааллуқли бўлган махсус лексикани англатади. Ўзбек тилига «термин» сўзи XX асрнинг 40-50 йилларида рус тили орқали кириб келган. Бу даврдан олдин «истилоҳ» ва «атама» сўзларидан фойдаланилган¹.

Тадқиқотларда терминология сўзи қуйидаги икки маънода қўлланилади:

1. **Терминология** бу махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг йиғиндиси, мажмуи.

2. **Терминология** бу терминлар, уларнинг грамматик тузилиши ва тилда амал қилиши билан боғлиқ қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослик фанининг бир бўлими².

Тилшунослик фанида терминларни ўрганиш билан шуғулланувчи терминология ва унга яқин бўлган номенклатура тушунчасини аниқ белгилаш ва улар ўртасидаги фарқларни ажратиш муҳим масала ҳисобланади. «Терминология» сўзи латинча *terminus* ва грекча *logos* сўзларидан ташкил топган бўлиб, «терминлар ҳақидаги фан» маъносини англатади. А.Д. Хаютин инглиз тилининг этимологик луғатига асосланиб мазкур сўз илк бор немис олими С. Шютц (С.G. Shutz) томонидан 1786 йилда қўлланилганини таъкидлайди. Унинг аниқлашича, мазкур сўз инглиз, француз тилларида XVIII аср охиридан, рус тилида эса XIX аср бошларидан истеъмолга кирган³.

Терминологияга яқин бўлган номенклатура тушунчаси ўз функцияси жиҳатидан «термин»ларга жуда ўхшаб кетади. «Номенклатура» сўзи латин тилидан келиб чиққан бўлиб, «номларни ёзиш, аташ» деган маънони англатади. А.Д. Хаютиннинг таъкидлашича, мазкур сўз илк бор ботаник олим Линней томонидан қўлланилган ва унга ўсимликлар классификациясини яратишда хизмат қилган⁴.

Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган термин аввало шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тавсиф беради. Номенларда эса бу нарса кузатилмайди. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «термин» номенклатурага нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб махсус вазифадаги сўз маъносини берса, «номенклатура» ўзаро ўхшаш бўлган предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамадир.

Шундай қилиб, терминга берилган кўпгина таърифларни таҳлил қилиб ва уларни умумлаштириб, биз ўз тадқиқотимиз доираси учун қуйидаги таърифни берамиз: **Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир.**

«Юридик терминологиянинг умумий хусусиятлари» деб номланган 1.3. бўлимда юридик терминларнинг умумадабий тилда тутган ўрни, уларни

¹ Аҳадова М. Терминми, атамами, истилоҳ? // Филология масалалари. – Тошкент, 2007. -№ 4. – Б. 24-27.

² Ражабов А.Н. Вопросы узбекской лингвистической терминологии в сопоставлении с русской : Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Ташкент, 1993. – С. 8.

³ Хаютин А.Д. Термин, терминология и номенклатура. – Самарканд, 1971. – С. 4.

⁴ Хаютин А.Д. Кўрсатилган асар. – Б. 6.

таснифлаш масалалари ёритилган. Ҳар қандай терминологик система умумадабий тил лексик қатламининг ажралмас қисми ҳисобланади. Умумадабий тил системасида махсус лексиканинг тутган ўрни тўғрисида олимлар ўртасида ягона қараш мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, тилнинг умумий лексикаси билан махсус лексикаси ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб борадилар. Тилнинг бу икки системаси ўртасидаги алоқа икки томонлама бўлиб, баъзан умумадабий тилдаги сўз терминологик системага, баъзан эса бунинг акси, терминнинг умумадабий тилга ўтиши кузатилади.

Ҳар қандай терминологияда бўлганидек, юридик терминология тўғрисидаги энг кўп ва аниқ маълумотларни соҳа терминологик луғатлари орқали тўплаш мумкин. Мазкур тадқиқотимизда юридик терминлар дейилганда француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминлар луғатларига киритилган лексик birlikлар тушунилади.

Таниқли терминшунос Р. Дониёров терминологик системани гуруҳларга бўлиб ўрганиш учта масалани ҳал қилиш имкониятини беришини таъкидлаган. Булар, «биринчидан, шу системанинг умумтермин бойлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади; иккинчидан, бу системанинг сўз ясаш имкониятлари ҳақида маълумот беради; учинчидан, системанинг ҳар қайси мавзуй гуруҳидаги ўзига хос сўз ясаш модели қандай эканлигини аниқлаб беради»¹.

Биз ўз кузатишларимиз асосида юридик терминларни қуйидаги гуруҳларга бўлдик: 1) соф юридик терминлар (*juge, procureur, қонун, адвокат* кабилар); 2) маъноси ва структурасига кўра умумистеъмолдаги сўз билан мос келувчи терминлар (*faute, avis, тинтув, жазо, туҳмат* кабилар); 3) бошқа терминологик системалардан ўтган терминлар (*consul, capitaine, бюджет, банкрот, эксгумация*); 4) умумилмий терминлар (*principe, procès, тамойил, услуб, жараён, категория* кабилар).

Шундай қилиб, юридик терминология умумадабий тил лексик қатламининг ажралмас қисми бўлиши билан бир вақтда, ўзига хос морфологик ва семантик хусусиятларга эга бўлган мустақил системадир.

Диссертациянинг II боби «**Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг шаклланиш манбалари**» деб номланган бўлиб, унда қиёсланаётган икки тил юридик терминологиясининг қандай йўллар билан бойиб бориши таҳлил қилинган. «*Француз тилида юридик терминларнинг шаклланиши*» деб номланган 2.1. бўлимда француз тилидаги юридик терминларнинг қандай усуллар билан вужудга келиши ва бойиб бориши ўрганилган.

Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг шаклланиш манбаларини қуйидагича гуруҳлаштирдик: 1) юридик туб терминлар; 2) аффиксация усули билан ясалган юридик терминлар; 3) конверсия усулида ясалган юридик терминлар; 4) юридик қўшма терминлар; 5) юридик қисқартма терминлар (аббревиатуралар); 6) юридик бирикма терминлар; 7) ўзлашма

¹ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. –Тошкент: Фан, 1977. – Б. 45.

юримдик терминлар. Санаб ўтилган дастлабки олтита манба тилнинг ички ресурсларига, еттинчи манба эса ташқи манбаларга асосланади. Француз тилида юримдик терминларнинг ички ресурслар ҳисобига шаклланишини биз Ж. Корньюнинг «Юримдик терминлар луғати»ни таҳлил қилиш орқали ўрганишга ҳаракат қилдик.

Француз тилида барча юримдик терминлар структур жиҳатдан икки катта гуруҳга бўлинади: бир сўздан ташкил топган термин-лексемалар ва бир неча сўздан иборат бирикма терминлар. Термин-лексемалар туб ва ясама терминларга бўлинади. Термин-лексемаларнинг ясалиш структуралари умумдабий тилдагидан деярли фарқ қилмайди. Ясама терминлар сўз ясаш усулларига кўра таснифланади. Таҳлил қилинаётган терминологик системада қуйидаги сўз ясаш усуллари аниқланди: суффиксация, префиксация, циркумфиксация, конверсия, сўз қўшиш, аббревиатура.

Француз тилида юримдик термин ясовчи суффиксларга қуйидагилар киради: -aire, -ier, -ateur, -eur, -iste, -ation, -ement, -age. Бу тилда юримдик терминларнинг ясалишида префиксация усули ҳам анча маҳсулдор. Бундай префиксларга қуйидагилар киради: со-, sous-, non-, contre-, sur-. Бир қанча терминларнинг ясалишида суффикслар ҳам, префикслар ҳам тенг қатнашади ва бу усул циркумфиксация деб аталади. Масалан, *autofinancement*, *autogestion*, *décriminalisation*.

Француз тилида конверсия усулида термин яшашнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) феълнинг инфинитивидан ясалган от шаклидаги терминлар: *désaveu*, *emprunt*, *pourvoi*, *refus*, *recel* кабилар; 2) ўтган замон сифатдошидан ясалган от шаклидаги терминлар: *commis*, *détenu*, *employé*, *inculpé* кабилар; 3) ҳозирги замон сифатдошидан ясалган от шаклидаги терминлар: *cédant*, *dirigeant*, *disposant*, *émigrant* кабилар; 4) сифатдан ясалган от шаклидаги терминлар: *contentieux*, *équivoque*, *incident* кабилар.

Француз юримдик терминологиясида бирикма терминлар салмоқли ўринни эгаллаган. Мазкур терминологик системада асосан икки, уч, тўрт компонентли бирикма терминлардан фойдаланилади. Беш ва олти компонентли терминлар сони анча кам. Энг маҳсулдор модел эса икки компонентли бирикма терминлар ҳисобланиб, улар кўп компонентли бирикма терминларнинг семантик ядроси бўлиб хизмат қилади. Мазкур бирикма терминлар одатда қуйидаги моделлар асосида ясалади: **N + prep + N; N + A.**

N + prep + N моделида ясалган бирикма терминларни ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, бундай терминларда асосан *de* предлоги отларни боғлаш учун хизмат қилади. Ундан ташқари, камроқ бўлса-да *à*, *en*, *sur* предлогларининг қўлланишини ҳам таъкидлаб ўтамиз. Масалан: *action en justice*, *affaire en état*, *appel en cause*, *assurance sur la vie*, *bail à loyer*.

N + A моделида ясалган юримдик бирикма терминлар ҳам кенг тарқалган: *aide juridique*, *amende civile*, *compétence judiciaire*, *conflit juridique*.

Иккинчи бобнинг 2.2. бўлими «Ўзбек тилида юримдик терминларнинг шаклланиши» деб номланади. Ўзбек тилида юримдик терминларнинг шаклланиш хусусиятларини биз «Юримдик энциклопедия», «Юримдик атамалар қомусий

луғати» ҳамда «Русча – ўзбекча юридик атамалар луғати» асосида ўрганиб чиқдик. Юридик терминлар юқоридаги луғатларда такрорланишини эътиборга олиб биз ана шу луғатлардан 6700 та терминни ажратиб олдик.

Ўзбек тилида ҳам юридик терминларни структур жихатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин: термин-лексемалар ва бирикма терминлар. Ўзбек тилида ясама юридик терминлар қуйидаги усуллар билан ясалади: суффиксация, префиксация, конверсия, сўз қўшиш, аббревиатура.

Туб термин битта лексик бирликдан ташкил топган бўлиб, у маъноли морфемаларга бўлинмайди. Туб терминларнинг бир қисми асли умумистеъмолдаги сўзлар бўлиб, кейинчалик терминлашган сўзлардир. Умумистеъмолдаги маълум сўзларнинг семантик доираси кенгайиши натижасида улар аста-секин терминологик системаларга ҳам кириб боради. Масалан, *гувоҳ* лексемаси ана шу тарика юридик терминологияга кириб келган сўздир.

Аффиксация усули билан ясалган ўзбек юридик терминларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) суффиксация усули билан ясалган терминлар; б) префиксация усули билан ясалган терминлар. Ўзбек тилида юридик термин ясовчи суффиксларга қуйидагилар киради: -лик, -чи, -в(ув), -и (ш), -ма, -м (-им, -ум), -дор. Бу тилда префикслар билан термин яшаш каммахсул бўлиб, но-, бе- каби префикслар билан терминлар ясалиши қайд этилди. Мазкур префикслар фақат форс-тожик тилларидан ўзлашган терминларда учрайди.

Конверсия усулида ясалган юридик терминларни қуйидагича гуруҳлаштирдик: 1) феълнинг сифатдош шаклидан ясалган юридик терминлар. Бундай терминларнинг ясалишида кўпинча -ган ва -(у)вчи, қўшимчалари қатнашади. Масалан, *оқловчи, айбланувчи, жабрланувчи, судланган, оқланган, судланувчи, суғурталовчи*; 2) феълнинг ҳаракат номи шаклидан ясалган юридик терминлар. Бундай терминларнинг ясалишида асосан -(и)ш, -(у)в, -(о)в қўшимчалари иштирок этади. Масалан, *сайлов, кўрсатув, тергов, тинтув, текширув, тафтиш, суриштирув, судлов* кабилар.

Бирикма терминлар кўпгина терминологик системаларда бўлганидек, ўзбек тили юридик терминологиясининг ҳам асосини ташкил этади. Буни 3500 та юридик терминни ўз ичига олган «Юридик энциклопедия»нинг 75% бирикма терминлардан иборат эканлигидан ҳам кўrsa бўлади.

Ўзбек тили юридик терминологияси асосан икки, уч, тўрт компонентли бирикма терминлардан ташкил топган. Беш ва ундан ортиқ компонентли бирикмалар камроқ бўлса-да, учраб туради. Тўпланган материаллардан маълум бўлдики, икки компонентли бирикма терминлар энг маҳсулдор эканлиги билан ажралиб туради. Икки компонентли бирикма терминлар асосан **от + от (N+N)**, **сифат + от (A+N)** моделлари асосида ясалади. Ўзбек тилида **от + от** типдаги бирикмалар изофа орқали бирикиб келади.

Сифат + от моделида ясалган бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти сифат туркумидаги сўз, аниқланмиш компоненти эса от туркумидаги сўз билан ифодаланади. Аниқловчи компонентда ифодаланаётган сифатнинг турига кўра юқоридаги бирикма терминларнинг икки тури мавжуд: а)

аниқловчи компоненти аслий сифат бўлган бирикмалар: *гараз ниятлар, сохта ҳужжат, қалбаки пул*; б) аниқловчи компоненти нисбий сифат бўлган бирикмалар. Иккинчи турдаги терминларнинг ясалишида қуйидаги қўшимчалар катнашади: -ли қўшимчаси: (*ваколатли банклар, изоҳли коносамент, кафолатли кредит, ордерли чек*); -лик қўшимчаси: (*васийлик кенгаши, воситачилик ҳақи, депутатлик одоби, комендантлик соати*); -сиз қўшимчаси: (*габаритсиз юк, муддатсиз қарз, асоссиз даъво, эҳтиётсиз ҳаракат*); -дор қўшимчаси: (*мансабдор шахс, қарздор субъект, акциядор шахс, айбдор тараф*); -аро қўшимчаси: (*томонлараро тортишув, минтақалараро битим, давлатлараро тузилмалар, халқаро трибунал*).

Иккинчи бобнинг 2.3. бўлими «Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг шаклланишидаги интеграл ва дифференциал хусусиятлар» деб номланади ва унда икки тилда юридик терминларнинг шаклланиши қиёсий таҳлил қилинади, улар ўртасидаги бир қатор ўхшаш ва фарқли хусусиятлар аниқланади.

Француз ва ўзбек тилларида юридик терминларнинг энг катта қисми тилларнинг ички ресурслари ҳисобига шаклланади. Бу жараённинг қиёсий таҳлили натижаларини қуйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин:

1- жадвал

Француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар шаклланишининг манбалари

Юридик терминларнинг шаклланиш манбалари	Француз тилида		Ўзбек тилида	
	миқдори	фоизи	миқдори	фоизи
Туб терминлар	630	6.8 %	230	3.5 %
Аффиксал терминлар	2770	29.8 %	960	14.3 %
Конверсиялашган т.	165	1.8 %	30	0.4 %
Қўшма терминлар	160	1.7 %	35	0.5 %
Аббревиатуралар	50	0.5 %	30	0.4 %
Бирикма терминлар	5525	59.4 %	5415	80.9 %
ЖАМИ	9300	100 %	6700	100 %

Қиёсланаётган тилларда юридик терминлар тузилишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) термин-лексемалар; 2) бирикма терминлар. Термин-лексемалар ўз навбатида а) туб терминлар; б) ясама терминлар; в) қўшма терминлар; г) қисқартма терминларга бўлинади.

Француз тилида термин-лексемаларнинг (туб, аффиксал, конверсиялашган, қўшма, аббревиатура) миқдори 3775та бўлиб, улар терминологик системанинг 40.6 % ни ташкил этади. Ўзбек тилида эса термин-лексемалар миқдори нисбатан кам бўлиб, уларнинг умумий сони 1285тани ташкил этади, бу эса юридик терминологиянинг атиги 19.1 % демакдир (1-жадвалга қаранг). Юридик туб

терминлар ҳар икки тилда юридик соҳанинг асос тушунчаларини ифодалаб, кўпинча семантик усулда шаклланади.

Тадқиқотимизда аффиксал терминлар француз тилида 2770тани (29.8%), ўзбек тилида 960тани (14.3%) ташкил этди. Бундай усул билан термин ясалишининг француз тилида бир неча кўринишлари мавжуд: суффиксация (2420та), префиксация (210та), шунингдек, циркумфиксация (140та). Ўзбек тилида эса ясама терминлар асосан суффиксация усулида шаклланади. Но- ва ҳам- префикслари ёрдамида баъзи юридик терминлар ясалса-да (*норезидент, ҳаммуаллиф*), уларнинг сони 10тадан ошмайди. Термин ясалишининг циркумфиксал усули ўзбек тилида қайд этилмади.

Суффиксация усулида ясалган терминлар ясовчи морфемалар сонига кўра ўзбек тилида икки хил кўринишда бўлади: а) таркибида бир суффикс бўлган терминлар; б) таркибида икки ва ундан ортиқ суффикс бўлган терминлар. Ўзбек тили юридик терминологиясида биринчи типдаги терминлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, *жосуслик, жинойятчи, уюшма* кабилар.

Икки ва ундан ортиқ суффикс ёрдамида ясалган юридик терминлар агглютинатив характерга эга бўлган ўзбек тилида кенг учрайди. Бунда ясовчи морфемалар ўзакка бирин-кетин боғланиб келади: *товлама+чи+лик, лаёқат+сиз+лик, қўпор+ув+чи+лик*. Француз тилида эса асос сўзга биттадан ортиқ суффикснинг қўшилиши деярли учрамайди.

Конверсия усулида термин яшаш француз тилида (165 термин) ўзбек тилига (30 термин) қараганда анча маҳсулдор. Бундай терминлар француз тилида сифат, феълнинг инфинитив ва сифатдош шаклидан ясалади. Ўзбек тилида эса улар асосан феълнинг сифатдош ва ҳаракат номи шаклидан ясалади. Конверсия усулида ясалган терминларнинг икки тилда бир-бирига структур жиҳатдан муқобил бўлиши кам кузатилади. Масалан, *délinquant* – *ҳуқуқбузар* терминлари қиёсланаётган тилларда конверсия усулида ясалган бўлиб, ўзаро муқобил ҳисобланади.

Француз тилидаги конверсия усулида ясалган юридик терминларга ўзбек тилида қуйидаги шаклга эга бўлган терминлар мос келиши аниқланди: 1) **бирикма терминлар:** *appelant* – *шикоят берувчи шахс*, *déclarant* – *даъво қилувчи шахс*, *disparu* – *бедарак йўқолган шахс*, *prononcé* – *суд ҳукмини ўқиб эшиттириш*; 2) **ясама терминлар:** *consultant* – *маслаҳатчи*, *dirigeant* – *бошқарувчи*; 3) **туб терминлар:** *communiqué* – *баёном*, *détenue* – *маҳбус*.

Терминологик системаларнинг шаклланишида сўз қўшиш усули билан термин яшаш алоҳида ўрин тутати. Фан ва технологиянинг тараққий этиши билан қўшма терминларга бўлган эҳтиёж ортиб бораверади. Қўшма сўзлар фақат янги сўзларга бўлган эҳтиёжни қондириш учунгина эмас, балки кўпроқ икки тушунчани бир сўз орқали ифода этиш зарурияти бўлгани учун ҳам керакдир¹.

Француз ва ўзбек тилларида қўшма терминларнинг типологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида уларни қуйидаги мезонлар асосида

¹ Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды Московского института истории, философии и литературы. Т. V. Сб. статей по языковедению. – М., 1939. – С. 46.

таснифлаш мумкин: 1) морфологик тузилишига кўра; 2) қўшма терминни ташкил этувчи компонентларнинг ўзаро алоқасига кўра. Морфологик тузилишига кўра қўшма терминларнинг француз тилида қуйидаги кўринишлари мавжуд: **от+от** (N+N), **сифат+от** (A+N), **от+предлог+от** (N+prep+N), **фeъл+от** (V+N), **от+сифат** (N+A). Ўзбек тилида эса қўшма юридик терминлар асосан **от+от** (N+N) ва **от+сифатдош** моделида ясалади.

Ўзбек тилида қўшма термин компонентларининг бир-бирига бирикиши аффиксли ёки аффиксиз бўлиши мумкин. Масалан, *ваколотхона*, *тилхат*, *қасамёд*, *қўлёзма*, *бир никоҳлилиқ*, *яккабоишлиқ*. Француз тилида қўшма термин компонентлари кўпинча *à*, *de* предлоглари ёрдамида бирикади: *acquit-à-caution*, *main-d'oeuvre*. Қийёсланаётган ҳар икки тилда қўшма термин компонентлари бирга келиши ёки бир-биридан ажратиб ёзилиши мумкин. Масалан, *radiodiffusion*, *mainlevée*, *ваколотхона* каби терминлар бирга ёзилса, *jour-amende*, *crédit-bailleur*, *décret-loi*, *иш бошқарувчи*, *қайта сайлов*, *турар жой*, *иш куни*, *тенг ҳуқуқлилиқ* каби термин компонентлари ажратиб ёзилади.

Француз тилидаги қўшма юридик терминларга ўзбек тилида қуйидаги бирликлар мос келиши тўпланган материаллар асосида аниқланди:

а) **бирикма терминлар**: *blanc-seing* – тўлдирилмаган бланка, *acquit-à-caution* – импорт маҳсулотининг сертификати, *haut-commissaire* – олий комиссар, *crédit-bail* – молиявий ижара; б) **аффиксал терминлар**: *procès-verbal* – баённома; в) **туб терминлар**: *mont-de piété* – ломбард.

Ўзбек тилидаги қўшма терминларга француз тилида қуйидаги бирликлар мос келади: а) **бирикма терминлар**: *қамоқхона* – *maison d'arrêt*; б) **аффиксал терминлар**: *элчихона* – *ambassade*, *ҳуқуқбузар* – *délinquant*; в) **туб терминлар**: *тилхат* – *acquit*, *қасамёд* – *serment*.

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, бир хил юридик тушунчани ҳар икки тилда қўшма терминлар воситасида ифодаланиши кузатилмайди.

Сўз яшашнинг аббревиатура усули француз тилида маҳсулдор. Ўзбек тилида бу усул каммаҳсул ҳисобланади. Бироқ ҳар икки тил юридик терминологиясида аббревиатуралар сони кўп эмас. Француз ва ўзбек тилларида қўлланишда бўлган аббревиатураларнинг асосий қисми сўз бирикмаси компонентларининг бош ҳарфлари асосидаги қисқартмалардир.

Бирикма терминлар француз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам юридик терминларнинг ярмидан кўпини ташкил этади. Таъкидлаб ўтганимиздек, бирикма терминлар ичида икки компонентли терминлар энг маҳсулдор ҳисобланади. Бундай терминлар асосан **от+от** (N+N) моделида ясалади. Ўзбек тилида бундай моделдаги терминлар изофа шаклида бўлиб, унинг учта кўриниши мавжуд. Француз тилида эса икки от туркумидаги сўзнинг предлог ёрдамида бирикиши кўп учрайди. **От + сифат** (N + A) модели француз тилида маҳсулдорлиги жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди. Ўзбек тилида эса бундай бирикмалар **сифат + от** (A + N) шаклида ифодаланади. Шундай бўлса-да, иккала тилда ҳам аниқланмиш от билан, аниқловчи эса сифат билан ифодаланади.

Мураккаб бирикма терминлар ҳар икки терминологик системада учрайди. Компонентларнинг сони қанчалик кўп бўлса, шундай бирикма терминлар сони

камайиб боради, яъни беш компонентли бирикма терминлар сони уч ёки тўрт компонентли бирикма терминларга нисбатан кам. Бу нарса терминларга қўйиладиган аниқлик, қисқалик талаблари билан изоҳланади.

Француз ва ўзбек тилларидаги бирикма терминлар ўртасида мавжуд бўлган эквивалентликлар аниқланди. Унга кўра француз тилидаги содда бирикма терминларга (икки компонентли) ўзбек тилида қуйидаги бирликлар мос келади: 1) **содда бирикма терминлар:** *droit civil* – *фуқаролик ҳуқуқи*; *proposition de loi* – *қонун лойиҳаси*; *crimes successives* – *давомли жиноятлар*; 2) **мураккаб бирикма терминлар:** *protection de consommateur* – *истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш*; *faux témoignage* – *ёлгон гувоҳлик бериш*; 3) **термин-лексемалар:** *quartier d'isolement* – *карцер*; *bons offices* – *воситачилик*.

Бундан ташқари, мураккаб бирикма терминлар компонентларини ўзаро таққослаганимизда француз тилидаги кўпгина бирикма терминларнинг компонентлари сони ўзбек тилидагига қараганда кам эканлиги аниқланди. Таққослаймиз: *registe d'état civil* (3та компонент) – *фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш дафтари* (5та компонент).

Француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминларни маъносига кўра таҳлил қилишимиз уларнинг қуйидаги мавзуй гуруҳларини аниқлаш имконини берди: 1) юридик муносабат иштирокчиларининг номланишини ифодаловчи терминлар; 2) юридик жараён номларини билдирувчи терминлар; 3) ҳуқуқ объектининг номи ва ҳуқуқий ҳолатни ифодаловчи терминлар.

Тадқиқотнинг III боби «**Француз ва ўзбек тиллари юридик терминларининг шакл ва маъно муносабати**» деб номланган бўлиб, унда юридик терминологияда учрайдиган синонимия, антонимия, полисемия ва омонимия ҳодисалари таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг 3.1. бўлими «*Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясида синонимия ва антонимия масаласи*» деб номланган. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясида синонимик муносабат ва унга ёндош ҳодисаларни таҳлил қилиб қуйидаги бирликларни ажратиб кўрсатишни лозим топдик: 1) бир хил тушунча ва предметнинг турли қирраларини ифодаловчи синоним терминлар (*accord – traité – convention – pacte*, *бўйруқ – фармон*); 2) мазмуни бир хил, шакли эса турлича бўлиб, бири муайян тилнинг ўз сўзи, иккинчиси бошқа тилдан ўзлаштирилган дублет терминлар (*parrainage – sponsorisme*, *агрессия – босқинчилик*); 3) фақат ифода планида ўзаро фарқланиб, мазмун плани бир бўлган термин вариантлари. Уларнинг морфологик ва лексик турлари мавжуд. Масалан, *donateur – donataire*, *мижоратчи ташилот – мижорат ташилототи*.

Юридик терминологияда синонимик муносабатлар билан яқин бўлган гипонимик муносабатлар ҳам кенг учрайди. Гипонимик муносабатлар жинс-тур муносабатлари бўлиб, жинс тушунчасини ифодаловчи термин гипероним, тур тушунчасини ифодаловчи термин эса гипоним ҳисобланади. Масалан,

гипероним – жинс
-жазо

гипонимлар – турлар
- жарима;

- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод қамоқ жазоси.

Терминологик антонимларнинг икки тури мавжуд: лексик антонимлар ва морфологик антонимлар. Масалан, *employeur – salarié; meuble – immeuble; даъвогар – жавобгар; ҳаракат – ҳаракатсизлик; қонуний – ноқонуний*.

Тузилишига кўра эса юридик антоним терминлар бир лексемали ва бирикма шаклидаги терминларга бўлинади. Бир лексемали терминлар бир ўзакдан (*légal – illégal; айбсиз – айбдор*) ёки турли ўзақлардан (*acquéreur – vendeur; айбланувчи – оқланган*) ташкил топиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бир лексемали терминга бирикма шаклидаги термин антоним бўлиши мумкин. Масалан, *фуқаро – фуқаролиги йўқ шахс*.

Антоним терминларни улар ифодаладиган маъно муносабатларига кўра қуйидагича гуруҳлаштирдик: а) контрар антонимлар. Бундай антонимлар шундай қарама-қарши тушунчаларни ифодаладиги, уларнинг ўртасида доимо оралиқ тушунча мавжуд бўлади (*monogamie – polygamie – оралиқ тушунча: bigamie; муомалага лаёқатли шахс – муомалага лаёқатсиз шахс – оралиқ тушунча: муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган шахс*); б) контрадиктив антонимлар таркиб жиҳатдан бир-бирига мос тушиб, ўзаро қарама-қарши бўлган семалари билан бир-бирини инкор қилувчи муносабатда бўладилар. Бундай антонимлар ўртасида оралиқ тушунча мавжуд бўлмайди (*propriétaire – locataire; даъвогар – жавобгар*).

Учинчи бобнинг 3.2. бўлими «Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясида полисемия ва омонимия масаласи» деб номланган.

Полисемия ҳодисаси умумодабий тилнинг ўзига хос қатлами бўлган терминологик системаларда ҳам учрайди. Ф.А. Циткинанинг фикрича, терминологик системаларда кўпмаъноликка сабаб бўладиган омиллар қуйидагилар: ҳар бир тушунчани алоҳида термин билан ифодалаш учун тилда лексик ва сўз яшаш имкониятларининг етарли эмаслиги; терминга хос функцияларнинг анъаналари, шунингдек, унинг семантик ва сўз яшаш имкониятлари; тилда такрор-такрор қўлланиш жараёнида терминда турли хил илмий тушунчаларни ифода қилиш имкониятларининг ортиб бориши.¹

Француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар полисемиясини қиёсий ўрганиш шунинг кўрсатдики, бир тилда кўп маъноли термин иккинчи тилда моносемантик бўлиши, ёки кўп маъноли бўлган тақдирда ҳам семантик жиҳатдан биринчи тилдаги терминга мос келмаслиги мумкин. Масалан, француз тилидаги *académie* терминини олайлик. Француз тилида мазкур термин икки маънони ифодалайди: 1. Олий илмий муассасаларнинг номи (масалан, *Académie française*).

¹Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988. – С. 53.

2. Олий ва ўрта таълим ҳудудий бошқармаларининг номи.¹ Францияда олий ва ўрта таълим тизими 26та академиядан ташкил топган бўлиб, ҳар бир академия *ректор (recteur)* томонидан бошқарилади.

Ўзбек тилида ҳам *академия* термини икки маънода қўлланилади. 1. Олий илмий муассасаларнинг номи: *ЎзР Фанлар академияси*; *Ўзбекистон Бадий академияси*. 2. Айрим олий ўқув юртларининг номи (РЎЛ, т.1, 26). Масалан, *Ички ишлар вазирлиги академияси*. Кўриниб турибдики, терминнинг биринчи маъноси ҳар икки тилда ҳам бир хил. Унинг иккинчи маъноси икки тилда турлича бўлиб, бир-бирига мос тушмайди.

Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясидаги омонимларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, омонимлар икки тилда семантик жиҳатдан бир-бирига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шундан келиб чиқиб биз омонимларни икки гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга француз ва ўзбек тилларида маъно жиҳатидан бир-бирига мос бўлган омонимларни киритдик. Бундай омонимларнинг асосий қисмини ўзлашма терминлар ташкил этиши маълум бўлди. *Action* – акция терминлари икки тилда эквивалент ҳисобланади. *Action*¹ – «sanction d'un droit subjectif; voie de droit ouverte pour la protection judiciaire d'un droit on d'un intérêt légitime»; *action*² – «part d'associé dans les sociétés dites de capitaux, sociétés anonymes ou en commandite par actions qui est caractérisée par sa libre cessibilité de principe et se présente comme une fraction du capital social servant d'unité aux droits et obligations des associés» (C.G., 23).

*Акция*¹ – «акциядорлар жамияти томонидан шу жамият капиталига ўз ҳиссасини қўшган пайчиларга бериладиган ва уларга жамият ишида қатнашиш, унинг даромадларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, қимматбаҳо қоғоз»; *акция*² – «бирор мақсадга эришиш учун қилинадиган иш, ҳаракат» (ЎТИЛ, т.1.,37).

Иккинчи гуруҳ омонимлари семантик жиҳатдан икки тилда ўзаро мос келмайди. Масалан: *Part* терминини олиб кўрамиз. *Part*¹ – “quotité d'une universalité ou d'un bien indivis que chaque coïndivisaire (cohéritier, époux commun en biens, copropriétaire) a vocation à recueillir”; *part*² – “l'enfant né, le nouveau – né” (C.G., 530). Бу икки термин тарихан икки хил сўздан келиб чиққан бўлиб, биринчи терминнинг асоси лотинча *partis* (қисм, улуш) сўзига, иккинчи терминнинг асоси лотинча *partus* (туғиш) сўзига бориб тақалади. Биринчи термин ўзбек тилига *улуш*, иккинчи термин эса *чақалоқ* тарзида таржима қилинади. Кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги бу сўзлар ўзаро омоним эмас.

Учинчи бобнинг 3.3. бўлими «*Француз ва ўзбек тиллари юридик терминларининг шакл ва маъно муносабатидаги интеграл ва дифференциал хусусиятлар*» деб номланади ва унда олдинги икки бўлимда кўриб чиқилган барча тил ҳодисалари француз ва ўзбек тилларида қиёсланади.

Француз ва ўзбек тилларида синонимларнинг лексема, қўшма ва бирикма термин кўринишидаги шакллари мавжуд (*оқлаш – айбсиз деб топиш*; *ҳибсхона*

¹ Cornu G. Vocabulaire juridique. – Paris, 2002. – Б. 8. (Кейинги мисоллар шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

– қамоқхона; *accord – traité – convention – pacte; réclusion perpétuelle – prison à vie – détention perpétuelle*).

Синонимия ҳодисаси тил универсалияларидан бири бўлганлиги сабабли икки тил юридик терминологиясидаги синоним терминларнинг вужудга келиши ва тараққиёти деярли бир хил. Аммо шунга қарамай, синонимиянинг ҳар икки тилда ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, бир тилда синонимик қаторга эга бўлган юридик термин иккинчи тилда ягона лексема билан ифодаланиши мумкин. Қиёсланаётган тилларда синонимиянинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, бир тилнинг синонимик қаторида терминлар сони иккинчи тилдагига қараганда кўп ёки оз бўлиши мумкин. Буни қуйидаги мисолда аниқ кузатишимиз мумкин:

Француз тилида	Ўзбек тилида
1. Maison d'arrêt	1. Қамоқхона
2. Maison de correction	2. Хибсхона
3. Maison centrale	3. Колония
4. Maison de dépôt	4. Турма
5. Maison de justice	

Антонимия ҳодисаси синонимия сингари тил универсалияси бўлгани боис, қиёсланаётган тилларда антоним терминларнинг интеграл хусусиятлари кўпроқ кўзга ташланади. Иккала тилда ҳам контрар антонимлар ва контрадиктив антонимлар мавжуд. Ҳар икки тилда контрадиктив антонимлар контрар антонимлардан миқдор жиҳатдан устун. Француз тилида бундай антонимларнинг каттагина қисми префикслар воситасида вужудга келса (*meuble – immeuble*), ўзбек тилида лексик усул устун туради (*ҳуқуқ – мажбурият*).

Икки тилда антонимиянинг интеграл хусусиятларидан яна бири шундаки, бир терминга ўзаро синоним бўлган икки ёки ундан ортиқ термин антонимик муносабатда бўлади. Масалан:

vendeur	–	acquéreur
		acheteur
фойда	–	чиқим
		ҳаражат

Терминларнинг маъно категориялари ичида полисемия ҳар икки тилда энг кўп тарқалган ҳодисадир. Мазкур ҳодисани қиёсланаётган икки тилда статистик таҳлилдан ўтказдик. Полисемия асосан термин-лексемалар доирасида кузатилиши сабабли айнан шундай бирликлар таҳлил этилди. Термин-лексемаларнинг кўп маънолилиқ хусусиятларини таҳлил этишда уларнинг қуйидаги белгиларига эътибор берилди: 1) маъноларнинг сони; 2) қўлланиш доираси. Таҳлил натижаларини қуйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин:

**Юридик терминологияда бир маъноли ва полисемантик терминларнинг
миқдорий кўрсаткичлари**

Маънолар сони	Терминлар миқдори (француз тилида)	Терминлар миқдори (ўзбек тилида)
моносемантик	2465 (65.3 %)	825 (64.2 %)
2	920 (24.4 %)	290 (22.6 %)
3	230 (6. %)	100 (7.8 %)
4	150 (4%)	70 (5.4%)
5	10 (0.3%)	-
Жами	3775 (100%)	1285 (100%)

Терминларга қўйиладиган асосий талаблардан бири уларнинг терминологик система ичида бир маънога эга бўлишлигидир. Таҳлиллардан шу нарсга маълум бўлдики, бир маънода қўлланиладиган юридик терминлар француз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосий кўпчиликни ташкил этади ва уларнинг миқдори икки тилда бир-бирига яқин. Ўзбек тилида лексема терминларнинг 825таси моносемантик термин ҳисобланади ва бу лексема терминларнинг 64.2%ни ташкил этади. Француз тилида эса бу кўрсаткич 65.3%ни ташкил этади (2-жадвалга қаранг).

Омонимик қаторларни қиёсий ўрганишимиз натижасида икки тил ўртасидаги қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

- 1) француз тилидаги омонимик жуфтликка ўзбек тилида омонимик жуфтлик мос келади:
bulletin – бюллетень (махсус нашр, журнал)
bulletin – бюллетень (сайлов бюллетени)

Бундай жуфтликларнинг ўзбек тилидаги терминлари одатда бошқа тиллардан ўзлаштирилгани маълум бўлди;

- 2) француз тилидаги омонимик жуфтликка ўзбек тилида турлича терминлар мос келади: Etat-давлат, état-ҳолат.

Шундай қилиб, француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатини ифодаловчи синонимия, антонимия, полисемия, омонимия ҳодисалари учрайди. Қонун матнларини қиёсий ўрганиш ва таржима жараёнида юқоридаги ҳодисаларнинг икки тилдаги лисоний хусусиятлари эътиборга олиниши керак бўлади.

ХУЛОСА

Бизнинг француз ва ўзбек тиллари юридик терминологияси устида олиб борган кузатишларимиз қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, қонун ижодкорлиги, қонунчилик техникаси, юридик терминология каби масалаларнинг долзарблиги янада ортиди. Қонун матнларининг лингвистик нуқтаи назардан ўта мукамаллигига эришиш – пировардида жамиятимизнинг янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Бунга эришиш учун, аввало, қонунларда қўлланилаётган юридик терминларни илмий ўрганиш, уларни меъёрлаштириш ва барқарорлаштириш соҳасидаги ишларни кенгайтириш зарур.

2. Қонун ижодкорлигида ривожланган демократик давлатларнинг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий манбаларидан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бундай манбаларни ижодий ўзлаштиришда уларнинг нафақат ҳуқуқий хусусиятларини, балки лисоний табиатини ҳам ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш талаб қилинади.

3. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясини қиёсий тадқиқ қилишда юқоридаги тилларнинг бирортаси эталон, яъни андоза сифатида танланмайди, балки бундай қиёслаш асосида кишилик жамиятига тааллуқли барча билимлар мажмуини ўзида ифода этувчи когнитив система ётади. Бундай ёндашув икки тилдаги юридик терминларнинг умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлаш имконини бериш билан бирга, ҳар икки терминологик системани чуқур ўрганиш имконини ҳам яратади.

4. Изланишларимиз юридик терминология яхлит бир система сифатида бир қанча мавзуй-мазмуний гуруҳлардан ташкил топганини яққол кўрсатди. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: 1) юридик муносабат иштирокчиларининг номланишини ифодаловчи терминлар; 2) юридик жараён номларини билдирувчи терминлар; 3) ҳуқуқ объектининг номи ва ҳуқуқий ҳолатни ифодаловчи терминлар. Мазкур гуруҳлар системанинг табиатидан келиб чиқиб ва таснифлаш тамойилларига кўра яна кичик гуруҳларга бўлинади.

5. Юридик туб терминлар шаклланишининг асосий манбалари умумистеъмолдаги сўзларнинг терминологизацияси ва сўз ўзлаштиришдир. Ўзбек тили юридик системаси бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш даражаси юқори эканлиги билан характерланади. Бу тилда сўз ўзлаштиришнинг турли усуллари, жумладан, сўзларни тўғридан-тўғри ўзлаштириш, ярим калькалаш ва калькалаш кенг учрайди. Қиёсланаётган тилларда ўзлашма терминлар билан бир қаторда байналмилал терминлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Байналмилал терминлар нафақат латин ва грек тилларидан келиб чиққан сўзлар, балки инглиз, француз, италян, немис, рус тиллари асосида ҳам шаклланиб бораётган ўзига хос қатламдир.

6. Француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар ясалишининг қуйидаги асосий турлари мавжуд: 1) аффиксация; 2) конверсия; 3) композиция. Француз тилида термин яшашнинг аффиксал усули суффиксация, префиксация ва

циркумфиксацияни ўз ичига олади. Ўзбек тилида эса циркумфикслар билан сўз яшаш деярли учрамайди.

7. Француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар структур жиҳатдан иккига бўлинади. Булар, бир сўздан иборат термин-лексемалар ва икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бирикма терминлар. Бундай бирликлар миқдорини қиёсланаётган тиллар юридик терминологиясида аниқлашга қаратилган статистик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ҳукукий матнларнинг ихчамлигини таъминловчи асосий бирлик бўлган термин-лексемалар француз тилида 40.6 % ни, ўзбек тилида эса 19.1 % ни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби ўзбек тилига кўпгина терминлар бошқа тиллардан рус тили орқали турли йўللار билан ўзлаштирилганидир.

8. Қиёсланаётган ҳар икки тилда бирикма шаклидаги терминлар миқдор жиҳатдан юридик терминологиянинг асосини ташкил этади (француз тилида 59.4 %, ўзбек тилида 80.9 %). Бирикма терминлар ясалиши қулай, кўпинча тилда тайёр қолип сифатида қўлланиладиган ва шу сабабли умумодабий тилдаги сўз бирикмаларига нисбатан анча барқарорлашган бирликлар ҳисобланади.

9. Ўтказилган тадқиқотдан шу нарса маълум бўлдики, француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар асосан от сўз туркумидаги сўзлар ҳисобига шаклланади. Феъл, сифат, равиш сўз туркумлари мустақил равишда термин ясамайди, балки бирикма терминларнинг элементлари сифатида майдонга чиқади.

10. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясини семантик жиҳатдан кузатишлар шуни кўрсатдики, мазкур терминосистемада синонимик, гипонимик ва антонимик муносабатлар кенг учрайди. Юридик терминларнинг маълум қисми полисемантик хусусиятга эга. Терминлар ўртасида маъно муносабатларни юзага келишида икки тилда хилма-хил ҳолатлар кузатилади.

11. Қонун матнларини чет тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилларга таржима қилишда, аввало, ўзбек юридик тилини, хусусан, юридик терминологиясини бошқа тиллар билан қиёсий ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу нарса яна ўз навбатида иккита муҳим масалани ечишга, яъни, биринчидан, чет тиллардаги юридик манбаларни ўрганиш ва, иккинчидан, ўзбек тили юридик терминологиясини янада бойитиш ва мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

12. Турли тилларнинг юридик терминологиясини қиёсий ўрганиш келгусида янада кенгайтирилиши ва юридик соҳанинг бошқа соҳалари ҳам тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бундай тадқиқотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- турли давлатларнинг қонунлари тилини қиёсий тадқиқ қилиш;
- турли давлатларнинг суд жараёни тилини қиёсий тадқиқ қилиш;
- халқаро муносабатлар тилини қиёсий тадқиқ қилиш;
- дипломатик муносабатлар тилини қиёсий тадқиқ қилиш;
- қонун матнларини таржима қилиш муаммоларини тадқиқ қилиш кабилар.

13. Юридик терминологияни ўрганиш кишиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим вазифани бажаради. Шунинг учун олиб, келгусида ўзбек тили юридик терминларининг лексикографик жиҳатдан мукаммал изоҳли луғатини яратиш, қолаверса, икки тиллик ва кўп тиллик юридик луғатлар яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда ҳуқуқшунос ва тилшунос олимларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашлари талаб этилади. Ана шундагина қонунларимизнинг бенуқсон ва мукаммал бўлишига мустаҳкам замин яратилган бўлади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Нишонов П. *Certaines remarques sur la traduction de la terminologie juridique* // Виктор Гюго таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2002. -Б. 122-123.

2. Нишонов П. Ҳуқуқий матнлар таржимасининг айрим муаммолари // Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида: халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2005. -Б. 189-191.

3. Нишонов П. Тил ва нутқ доирасида ҳуқуқий атамаларни семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари // Нутқ лингвистикаси: халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2006. -Б. 48-49.

4. Нишонов П. *La formation de la terminologie juridique en français contemporain* // Training program for young experts. – Малайзия: Мара университети, 2007. -Б. 81-83.

5. Нишонов П. Ўзбек тили юридик терминологиясида ўзлашма қатлам // Ўзбекистон Республикаси нофилологик олий ўқув юртларида тил ўқитишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-услубий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2007. -Б. 51-53.

6. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясида аббревиатуралар // Замонавий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2008. -Б. 256-259.

7. Нишонов П. Юридик терминологияни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари // Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун кадрлар тайёрлашда хорижий тиллар: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ЖИДУ, 2008. -Б. 166-168.

8. Нишонов П. Ўзбек тили юридик терминологиясида байналмилал лексика // Филология масалалари. – Тошкент, 2007. -№ 4. -Б. 84-87.

9. Нишонов П. Юридик терминологиянинг шаклланишида бирикмаларнинг роли // Филология масалалари. – Тошкент, 2008. -№ 1. -Б. 90-92.

10. Нишонов П. Терминологияда синонимия ва унга ёндош ҳодисалар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. -№ 1. -Б. 63-66.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Нишонов Патхиддин Пайзиевичнинг 10.02.20 – “Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” ихтисослиги бўйича **“Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи”** мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: типология, термин, қиёсий терминология, юридик термин, интеграл, дифференциал, таснифлаш, аффиксация, циркумфиксация, вариант, дублет.

Тадқиқот объектлари: француз ва ўзбек тилларидаги лексема ва бирикма шаклидаги юридик терминлар.

Ишнинг мақсади: француз ва ўзбек тилларида юридик терминологиянинг шаклланиши ҳамда унинг шакл ва маъно хусусиятларини қиёсий-типологик тадқиқ қилиш.

Тадқиқот методлари: қиёслаш-солиштириш, типологик таҳлил, статистик, компонент таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мазкур тадқиқотда илк бор француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминлар мустақил терминологик система сифатида қиёсий аспектда ўрганилди. Француз ва ўзбек тилларида юридик терминлар ясалишининг асосий моделлари типологик таҳлил қилинди. Икки тилда юридик терминлар шаклланишининг интеграл ва дифференциал хусусиятлари аниқланди. Юридик терминларнинг бир тилдан бошқа тилларга ўзлаштирилишининг лисоний усуллари ўрганилди. Қиёсланаётган тиллар юридик терминлари семантикасидаги умумий жиҳатлар ва ҳар бир тилнинг ўзига хос томонлари тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий тилшунослик, қиёсий терминология бўйича маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда бошқа терминологик системаларни тадқиқ қилишда манба бўлиб хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: илмий тадқиқот натижаларидан ЎзДЖТУ француз филологияси ва таржимонлик факультетлари талабаларига “Таржима назарияси”, “Қиёсий типология” каби фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: умумий тилшунослик, қиёсий типология, роман филологияси, таржима назарияси ва амалиёти.

РЕЗЮМЕ

диссертации Нишонова Патхиддина Пайзибоевича на тему: **«Сравнительно-типологическое исследование юридической терминологии французского и узбекского языков»** на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.20 – сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание, лингвистическое переводоведение

Ключевые слова: типология, термин, сравнительная терминология, юридический термин, интегральный, дифференциальный, классификация, аффиксация, циркумфиксация, вариант, дублет.

Объект исследования: юридические термины французского и узбекского языков в форме лексемы и словосочетания.

Цель работы: Сравнительно-типологическое исследование формирования и структурно-семантических особенностей юридических терминов французского и узбекского языков.

Методы исследования: сравнительно-типологический, компонентный и типологический анализ, статистический.

Полученные результаты и их новизна: в представленной диссертации впервые осуществляется исследование юридических терминов французского и узбекского языков в сравнительном аспекте. Проведен типологический и статистический анализ основных словообразовательных моделей юридических терминов и выявлены интегральные и дифференциальные особенности формирования юридической терминологии в исследуемых языках. В диссертации нами проанализированы и описаны способы заимствования юридических терминов. Определены основные схождения и расхождения между французским и узбекским языками в области семантики термина.

Практическая значимость: результаты научного исследования могут быть использованы в учебном процессе при чтении лекций по теории и практики перевода, сравнительной терминологии и языкознанию, при создании учебников и учебных пособий по данным дисциплинам а также при исследовании других терминосистем.

Степень внедрения и экономическая эффективность: материалы исследования внедрены в практику преподавания курсов: теория перевода, сравнительная типология на факультетах французской филологии и перевода УзГУМЯ.

Область применения: общее языкознание, сравнительная типология, романская филология, теория и практика перевода.

RESUME

Thesis of Nishonov Pathiddin Payziboevich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philology on speciality 10.02.20 – comparative-historical, typological and comparative linguistics, linguistics of translation, subject: **“Comparative-typological analyses of law terms in the French and Uzbek languages”**

Key words: typology, term, comparative terminology, law terms, integral, differential, classification, affixation, sercumficsation, variant, dublet.

Subject of the inquiry: law terms of the French and Uzbek languages in the form of lexemes and word-combinations.

Aim of the inquiry: comparative-typological study of the formation and structural semantic peculiarities of law terms of the French and Uzbek terms.

Methods of inquiry: comparative-typological, componential, typological, structural and statistical analysis.

The results achieved and their novelty: the investigation of the comparative aspect law terms of the French and Uzbek languages has been done for the first time. Typological and statistical properties of the basic word formational models of the law terms have been investigated and the integral and differential peculiarities of the formation of law terms have been analysed in the languages under the investigation. In the dissertation studied the ways of borrowing of law terms the basic similarity and difference between the French and Uzbek languages in the field of semantics of terms have been defined.

Practical value: the results of the scientific work can be applied to the educational process in delivering lectures in theoretical and practical courses of translation, comparative terminology and linguistics and compiling text-books and manuals and in the investigation of other terms too.

Degree of embed: the materials of the research work have been implemented in such the practical courses as theory of translation, comparative typology, in the faculties of French philologies of Uzbek State World Languages University.

Sphere of usage: general linguistics, comparative typology, roman philology, theory and practice of translation.

Тадқиқотчи:

Босишга рухсат этилди 13.10.2009й.
Ҳажми 1.5 6/т Формати 60/84^{1/16}
Нусхаси 100 дона. Буюртма № 81
ТАЙИ босмахонаси

